

Риёзус солиҳийн шархи / Риёзус солиҳийн шархи / 20-ҳадис

20- وَعَنْ أَبِي حَمْزَةَ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ الْأَنْصَارِيِّ - حَادِمِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ - رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «اللَّهُ أَفْرَحُ بِتَوْبَةِ عَبْدِهِ مِنْ أَحَدِكُمْ سَقَطَ عَلَى بَعِيرِهِ وَقَدْ أَضَلَّهُ فِي أَرْضِ فَلَلَّةِ» مُتَّقِّعٌ عَلَيْهِ [خ 6309، 2747/8].

وَفِي رِوَايَةِ لِمُسْلِمٍ: «اللَّهُ أَشْدُدُ فَرَحًا بِتَوْبَةِ عَبْدِهِ حِينَ يَتُوبُ إِلَيْهِ مِنْ أَحَدِكُمْ كَانَ عَلَى رَاحِلَتِهِ بِأَرْضٍ فَلَلَّةِ، فَانْقَلَبَتْ مِنْهُ وَعَلَيْهَا طَعَامُهُ وَشَرَابُهُ، فَأَيْسَرَ مِنْهَا، فَأَتَى شَجَرَةً فَاضْطَجَعَ فِي ظِلِّهَا، قَدْ أَيْسَرَ مِنْ رَاحِلَتِهِ، فَبَيْنَمَا هُوَ كَذَلِكَ، إِذْ هُوَ إِلَيْهَا قَائِمٌ عِنْدُهُ، فَأَخْدَدَ بِخِطَامِهَا ثُمَّ قَالَ مِنْ شِدَّةِ الْفَرَحِ: اللَّهُمَّ أَنْتَ عَبْدِي وَأَنَا رَبُّكَ، أَخْطَأَ مِنْ شِدَّةِ الْفَرَحِ». [2747]

20. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ходимлари Абу Ҳамза Анас ибн Молик ал-Анзорий розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Аллоҳ бандасининг тавбасидан бирортангиз биёбонда йўқотиб қўйган туясини топиб олганидан кўра хурсанд бўлади», дедилар».

Муттафақуң алайҳ.

Ином Муслимнинг ривоятида қуидагича келтирилган:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «Банда Аллоҳга тавба қилса, У Зот унинг тавбасидан бирингиз кимсасиз чўлда кетаётганда егулик ва сув ортилган туюси қочиб кетиб, ундан умидини узиб, бир дараҳтнинг соясида ёнбошлаб, туюсидан тамомила умидини узиб турганида бирдан туюси тепасида турганини кўриб қолиб, унинг юганига ёпишиб, қаттиқ хурсанд бўлиб кетганидан адашиб, «Аллоҳим! Сен менинг бандамсан, мен Сенинг Роббингман!» деб юборганидан ҳам кўпроқ хурсанд бўлади».

Шарҳ: Банда тавба қилса, Аллоҳ таолонинг хурсандчилиги бандасиникидан ортикроқ бўлади. Шод ва хурсанд бўлиш одам боласининг сифатларидан бўлиб, у нарсани Аллоҳга нисбатан ишлатиш жоиз эмас. «Шод ва хурсанд бўлди» дегани «рози бўлди», деган маънони англатади. Кулги ва башорат ҳам худди шу маънодадир. Мутакаддим аҳли ҳадислар уни тарғиб қилинган амаллар ва Аллоҳнинг фазлини хабар бериш, деган маънода тушуниб, ушбу сифатларни Аллоҳга нисбатан исботлашган. Аммо унинг тафсири билан машғул бўлишмаган. Чунки Аллоҳ таоло маҳлуқларнинг сифатларидан покдир, деган эътиқодда бўлишган. Зеро Аллоҳ Куръонда: «Бирон нарса У Зотга ўхшаш эмасдир. У Эшитгувчи ва Кўриб тургувчидир», деб айтган. (Шўро сураси, 11-оят). Ҳадисда қуидаги илм қоидаси бор. Банда қаттиқ шод бўлиб, тилида хато лафзни ишлатиши ёки қаттиқ ғазаблангани учун азобга тортилмайди. Шунинг учун «Сен қулимсан ва мен роббингман», деб айтгани учун кофирга чиқарилмайди. Маълумингизки, қасд қилмасдан ғазабнинг таъсири бу ҳолатга етиб келади ёки ундан ҳам буюкроқ бўлади. Ўта қаттиқ ғазабга тушиб бу каби сўзларни айтган кишини айбга тортилмайди. Буни араб тилида «иғлоқ», яъни ёпик дейилади. Бошқалар буни жиннилик деб номлашган. Яъни гапирувчининг мақсади ёпик, гўёки қалби хоҳлаган маъно учун очилмаган.

Манба: hadis.islom.uz

